

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХУСАИНОВА РАЙХОНА АШРАФОВНА

**ЦЕФАЛОСПОРИН ҚАТОР АНТИБИОТИКЛАРИНИНГ СИФАТИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

15.00.02- фармацевтическая химия и фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Хусаинова Райхона Ашрафовна

Цефалоспорин қатор антибиотикларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш..... 3

Хусаинова Райхона Ашрафовна

Разработка методов стандартизации и контроля качества антибиотиков цефалоспоринового ряда..... 29

Хусаинова Райхона Ашрафовна

Development of methods for standardization and quality control of cephalosporin antibiotics 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХУСАИНОВА РАЙХОНА АШРАФОВНА

ЦЕФАЛОСПОРИН ҚАТОР АНТИБИОТИКЛАРИНИНГ СИФАТИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ

15.00.02- фармацевтическая химия и фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Far11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Тухтаев Хаким Рахмонович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Абдулла Якубович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Бобоев Исомиддин Давронович
кимё фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:

А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz.

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.И Алимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда бутун дунёда юқумли касалликларга чалинганлар сонининг тизимли ўсиши кузатилмоқда, бу эса фармацевтика бозорида дори воситаларининг ассортиментини кўпайишини асосий омилдир. БЖССТ нинг 2019 йил маълумотида кўра, бутун дунёда ҳар куни 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган инсонлар жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар билан касалланмоқдалар (ЖОЮИ). Шунинг учун, касалликни олдини олиш тизимини такомиллаштириш, даволаш сифатини яхшилаш, тиббиёт соҳасида диагностик воситаларни ишлаб чиқариш, жумладан, янги муолажалар усуллари ишлаб чиқиш, вакцина ва антибиотикларни ишлаб чиқариш учун инвестицияларни жалб этишга қаратилган тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда айрим касалликларни (сил, хламидия, гонорея, трихомониаз, захм касалликларига) даволашда қўлланиладиган цефалоспорин қатор антибиотик дори воситаларини сифатини назорат қилиш ва стандартлашни асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида антибиотикларни сифатини назорат қилиш; барқарорлиги, сифатлилиги ва самарадорлигини ошириш; сифатли, безарар ва арзон дори воситаларни ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган инсонларнинг даволанишига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатланган даражада сифатли тиббий ёрдам олишларини таъминлаш борасида бир қанча илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. ЎзРнинг 2017-2021 йй. янада ривожлантириш Харакатлар стратегиясида «Фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арзон дори воситалари билан таъминлаш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, фармация соҳасини ривожланишига, оригинал препаратларни ишлаб чиқишга ва шу билан бирга дори воситаларини сифатини назорат қилиш учун замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, қалбакилаштирилган дори воситаларини муомалага киритишга йўл қўйилмасликка катта аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сонли «2019 - 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва ««2020-2024 йй. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва 2018 йил ПҚ-3489» дори-дармон ва тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва импортини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек, президент

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

фармонлари 7 ноябрь, 2017 йил ПҚ-5229» «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», ҳамда дори воситаларига оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Цефалоспорин қатор антибиотикларнинг субстанция ва дори шаклларини сифатини назорат қилиш ва стандартлаш мақсадида қўлланиладиган замонавий физик-кимёвий усулларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Санкт-Петербург давлат кимё ва фармацевтика университети (Россия), Ҳиндистон илмий институти (Ҳиндистон), Копенгаген фармацевтика институти (Дания), Марбург университети (Германия), И.М.Сеченов номидаги Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Оксфорд университети (Буюк Британия), Киото университети (Япония), Смоленск давлат тиббиёт Академияси (Россия), Сеул миллий университети (Жанубий Корея), Мелбурн университети (Австралия), Кинки университети (Япония), Сингапур миллий университетида (Сингапур) олиб борилмоқда.

Цефалоспорин қатор антибиотикларни сифатини назорат қилиш ва қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: антибиотиклар учун замонавий лаборатория асбоб-ускуналари яратилган (Смоленск давлат тиббиёт Академияси, Россия), дори воситаларини сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Ҳиндистон илмий институти, Ҳиндистон), қалбакилаштирилган цефалоспорин қатор дори препаратларини аниқлаш учун меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилган (И.М.Сеченов номидаги Москва Давлат Тиббиёт Университети, Россия Федерацияси), антибиотикларнинг микробиологик тозалигини аниқлаш амалга оширилган (Харьков миллий фармацевтика университетида (Украина), антибиотикларнинг янги штамплари ишлаб чиқилган (Перм давлат фармацевтика Академияси (Россия Федерацияси).

Дунёда антибиотикларнинг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, антимикроб таъсирнинг кенг доирасини белгилаш, юқори самарадорлиги ва ножўя таъсирларни аниқлаш, замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, фармакопёявий сифат кўрсаткичларини аниқлаш

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган

ва стандартлаш, уларнинг янги хосилаларини ишлаб чиқиш ҳамда барқарорлигини ошириш йўллари излаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цефалоспорин қатор субстанциялар ва дори воситаларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш устида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё бўйлаб қалбаки дориларни аниқлаш ва антибиотиклар сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Лебедева Н.Н., Дорофеев В.Л., Арзамасцев А.П., Коновалов, А.А., Рейхарт Д.В., Голубева М.В., Шохин И.Е., Кузина В.Н., Stadalius M.A., Gold H.S., Snyder L.R., John D.T., James H.J., Thrupp L.D., Reeves D.S., Philips I., Williams J.D., Wise R., Kramer J., Kirshbaum A., Lalitha M.K., Manayani D.J., Priya L., Jesudason M.V.

Республикамиз оимлари А.Н. Юнусходжаев, Қ.А.Убайдуллаев, Н.Б. Саидкаримова томонидан антибиотиклар гуруҳига мансуб дори воситаларини сифатини назорат қилишда спектроскопия усулларини ўрганиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим; А.С. Темиров-цефалоспорин антибиотикларининг сифатини назорат қилишда спектрометрик таҳлил усуллари; А.А. Жўраева, К.Ш. Мухитдинова-цефалоспоринлар таҳлилида УБ-ва масс-спектрал детекторларни қўллаш; И.Н. Маҳмудова, А.Ф. Дусматов -цефтриаксоннинг турли келиб чиқадиган дори моддаларида бўлиши мумкин бўлган полиморфизми бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида цефалоспорин антибиотикларининг сифатини назорат қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

Ушбу диссертацияда цефалоспорин антибиотикларининг стандартлаштириш ва сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Тошкент фармацевтика институтининг «Фармацевтика ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади цефалоспорин қатор антибиотик дори воситаларининг назорат қилиш ва стандартлаш учун илмий асосланган замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дори воситаларининг сифатини баҳолаш бўйича хориж ва миллий меъёрий ҳужжатларнинг талаблари даражасини ўрганиш, уларнинг сифатини баҳолаш усулларининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва ахборот-таҳлилий тадқиқотлар асосида ҳозирги талаблар даражасига мувофиқ услубий тизимли ёндашувни таклиф қилиш;

ИК- ва УБ-спектрофотометрия усулларини турли ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган цефалоспоринлар таҳлилида қўллаш;

цефалоспоринларни хроматографик характеристикасини ЮҚХ, ЮССХ, ЮССХ-МС ва ГСХ усуллари ёрдамида ўрганиш;

«Витаксон», «Интралин» ва «Цеффастр» инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукун дори препаратларига КФМ тузиш;

СФ ва ЮССХ усуллар ёрдамида цефалоспоринлар миқдори аналитик усуллари валидациялаш;

цефалоспоринларнинг турғунлигини ва сақлаш муддатларини аниқлаш; дори воситалари сифатини назорат қилиш учун қўлланиладиган стандарт намуналаридан фойдаланишни тартибга солишнинг услубий асосларини шакллантириш ва норматив ҳужжат яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида цефалоспоринлар гуруҳига кирувчи цефтриаксон, цефазолин, цефотаксим натрийли тузларининг дори моддалари, дори препаратлари ва стандарт намуналардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети унифицирланган таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, цефалоспоринларни хроматографиялашнинг оптимал шароитларини танлаш, «Витаксон», «Интралин» ва «Цеффастр» дори препаратлари учун КФМ ишлаб чиқиш, СФ ва ЮССХ усуллари ёрдамида цефалоспоринларнинг миқдори аналитик услубларини валидациялаш; цефалоспорин қатор дори препаратларни турғунлиги ва сақлаш муддатларини аниқлаш, ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Цефалоспорин қатор дори моддалари ва препаратларини тегишли МХ бўйича стандартлаш ва сифатини назорат қилиш мақсадида «чинлигини аниқлаш» кўрсаткичи спектрал усуллар (ИҚ, УБ-спектрофотометрия) ёрдамида амалга оширилди; УБ-спектрофотометрия, ЮҚХ, ЮССХ ва ЮССХ-МС усулларида «Ёт аралашмаларни аниқлаш» ва «Миқдорий таҳлил» сифат кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланилди; дори воситаларини тозалигини аниқлаш мақсадида «Қолдиқ органик эритувчилар» кўрсаткичини аниқлашда ГСХ усулидан фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли корхоналарда ишлаб чиқариладиган цефалоспорин қатор дори препаратларининг ИҚ спектрлари атласи тузилган ва ИҚ-спектрларнинг интерпретацияланиб, қаттиқ фазада цефалоспорин молекулаларининг цвиттерион кўринишида мавжуд бўлиши асосланган;

цефалоспоринларнинг УБ-спектрларига эритувчилар ва муҳитнинг рН таъсири, цефалоспорин дори моддалари ва дори препаратларини УБ спектрофотометрия ёрдамида чинлиги аниқланган ва миқдорий таҳлил усули ишлаб чиқилган ҳамда турли шароитларда олинган цефалоспоринларнинг УБ-спектрлари атласи тузилган;

дори моддалари ва дори воситаларининг таҳлили учун ЮҚХ, ЮССХ ва ЮССХ-МС усуллари ишлаб чиқилган ҳамда цефалоспоринларни кўрсатилган усулларда таҳлилин олиб бориш учун кўзгалувчан фазалар таъсири аниқланиб, фойдаланиш имкони мавжудлиги исботланган;

илк бор цефалоспоринлар сифатини назорат қилиш учун унифицирланган услублари, жумладан чинлигини аниқлашда ЮҚХ усули,

ёт аралашмаларни аниқлаш ва миқдорий таҳлили учун ЮССХ ва ЮССХ-МС усуллари ишлаб чиқилган;

ГСХ усули учун хроматографиялаш шароитлари ва намунани тайёрлаш талаблари асосланган ҳамда «Ацетон», «дихлорметан», «этанол», «метанол», «N,N-диметиланилин», «2-этилгексан кислота» ва «триэтиламин» каби қолдиқ эритувчиларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

ИК спектроскопия, хроматография усуллари ва сифат реакциялар ёрдамида қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг комплекс ёндашиш тамойиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Витаксон», «Интралин» ва «Цеффастр» инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукун препаратларига КФМ ишлаб чиқилган;

цефалоспоринлар миқдорини аниқлаш СФ ва ЮССХ ёрдамида аналитик усуллари валидацияланиб ҳамда унинг оптимал шароитлари топилиб, баённомаларнинг янги кўриниши ишлаб чиқилган;

цефалоспорин қатор дори препаратлари учун турғунлиги ва сақланиш муддати белгиланган;

илк марта «Витаксон», «Интралин» ва «Цеффастр» инъекцион эритма тайёрлаш учун кукун каби дори воситаларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари сифат назоратида қўллашни назарий ва экспериментал асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор Ўзбекистон Республикасида МЧЖ «Jurabek Laboratories» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган «Витаксон», «Интралин» ва «Цеффастр» инъекцион эритмасини саноат шароитида ишлаб чиқариш имкониятини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукун препаратларини чинлигини, тозаллигини ва миқдорини аниқлаш мақсадида замонавий таҳлил усуллари ЮССХ-МС и ГСХ таклиф этилди ва КФМ ЎЗР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланиб, цефалоспоринларнинг миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган СФ ва ЮССХ услублари валидация кўрсаткичларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Цефалоспорин қатор дори воситаларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан «Витаксон» 0,5 ёки 1,0 г (КФМ 42 Уз-16327128-0760-2014), «Интралин» 0,5 ёки 1,0 г (КФМ 42 Уз-16327128-0761-2014), «Цеффастр» 0,5 ёки 1,0 г инъекцион эритмасини тайёрлаш учун кукунларга (КФМ 42 Уз-16327128-0762-2014) тиббиётда қўллашга рухсат берилган. Натижада нисбатан безарар, арзон ва юқори самарали цефалоспоринларни ишлаб чиқариш имконини берган;

цефалоспорин қатор антибиотиклар таҳлилида ишлатиладиган аналитик усуллари валидацион кўрсаткичларга оид кўрсатмаларнинг мастер-режа ва протоколларни тузиш асосида «5510500-фармация» бакалавриат таълим йўналиши бўйича «Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Гувоҳнома, №26-108). Натижада бакалаврларнинг стандартлаш соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган;

цефалоспорин қатор антибиотиклар сифатини назорат қилиш ва стандартлаш асосида олиб борилган тадқиқотлар ва қўлланилган замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари Фармация тармоғини ривожлантириш агентлиги ДАКнинг Ўзбекистон Республикасининг Миллий фармакопеясининг II бўлимига киритилиши ҳақида қарор олинган (Фармация тармоғини ривожлантириш агентлиги ДАКнинг 2019 йил 2 декабрдаги 25-01/3142-сонли хати). Натижада цефалоспорин қатор дори воситаларининг таҳлилин олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий- амалий анжуманлар, ҳамда амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳисоботларида маъруза кўринишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, тўққизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи бобида адабиёт маълумотлари таҳлили асосида цефалоспоринларнинг тиббиётда қўлланилиши, номенклатураси, тузилиши ва хусусиятлари баён этилган. Фармакопейвий таҳлил ўтказилиб, цефалоспорин қатор дори воситаларнинг сифатини назорат қилиш усуллари аниқланди.


Диссертациянинг “Тадқиқотларда қўлланилган усуллари таснифи” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари, объектлари, асбоб – ускуналар, фойдаланилган реактивлар, андоза (стандарт) моддалар, эритмаларнинг тайёрланиши, тадқиқот усуллари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Цефалоспорин қатор дори воситаларини ИҚ спектроскопия усули билан таҳлили**” га бағишланган. Цефалоспорин қатор дори воситаларнинг ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида чинлигини аниқлаш услублари ишлаб чиқилди, ҳамда цефалоспорин қатор дори моддалари ва дори воситалари учун ИҚ- ва Раман спектрлар атласи тузилди.


Диссертациянинг тўртинчи боби “**Цефалоспорин қатор дори воситаларини УБ-спектроскопия усули билан таҳлили**” га бағишланган. Цефалоспоринларнинг турли эритувчилардаги спектрал характеристикалари ўрганилди, УБ-спектрофотометрия усули ёрдамида дори модда ва дори воситаларнинг чинлиги аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, цефалоспоринларнинг стандарт УБ спектрлари атласи тузилди.

1-5 расмларда цефазолин натрийли тузи ҳамда цефотаксим натрийли тузини сақлаган турли корхоналарнинг дори препаратлар УБ-спектрлари келтирилган.






Расм 3. Цефазолин натрийли тузининг сувдаги эритмаси 10 мкг/мл (Цефазолин).



Расм 4. Цефотаксим натрийли тузининг сувдаги эритмаси 5 мкг/мл (Цеффаг).



Расм 5. Цефотаксим натрийли тузининг сувдаги эритмаси 10 мкг/мл (Цефотоксим-Лек).

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, экстрагент сифатида сув ишлатилганда асосий таъсир этувчи модда тўлиқ ажралиб чиқиши кузатилади, бу эса УВ-спектрофотометрия усулида чинлигини аниқлаш имконини берди.

Бешинчи боб **“Цефалоспорин қатор дори воситаларини ТСХ усули билан таҳлили”** га бағишланган. Цефалоспоринларнинг таҳлили ЮҚХ усули келтирилган, бу усул фармакопейвий таҳлилда дори препаратларининг чинлигини ва тозаллигини аниқлашда кенг қўлланилади.

Бошқа аналитик усуллардан фарқли равишда, ЮҚХ усули экспресс-таҳлил усулларига киради, шунинг учун хорижий давлатда ЮҚХ усули қалбакилаштирилган дори препаратлар скрининги экспресс-таҳлилида кенг қўлланилади. Цефалоспоринларнинг юқори самарали ва таъсирининг кенг спектрини ҳисобга олган ҳолда, энг кўп қалбакилаштириладиган дори воситалар қаторига киради.

Куйидаги бўлимда цефалоспорин қатор дори воситаларнинг ЮҚХ усули ёрдамида чинлигини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган. Бунда асосан ЮҚХ усулида фойдаланиладиган ускуналарга, шу билан бирга Россияда ишлаб чиқарилган хроматорграфик пластинкаларга урғу берилди.

Сорбентнинг юққа қатламида кечадиган хроматографик жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурига кўра, аниқланаётган модда доғининг R_f қиймати 0,2 дан кам ва 0,8 дан кўп бўлмаслиги зарур. Акс ҳолда тизимнинг селективлиги кескин бузилади ва шунга мос равишда чинлигини аниқлаш ишончилиги камаяди. Оптимал қиймат 0.5 га тенг.

Таҳлилни олиб бориш жараёнида ЮҚХ усули учун характерли боғлиқлик кузатилди: кўзгалувчан фазанинг кутблилигини ортиши билан цефалоспоринларнинг кўзгалувчанлиги ортиб борди.

Цефураксим ва цефтриаксон доғларини ёйилиб кетиш эффектани камайиши учун ўзгалувчан фаза таркибига 25% аммиак эритмаси қиритилиши кераклиги кўрсатди.


Бир нечта кўзгалувчан фазалар кўриб чиқилди ва барча цефалоспоринларни ажратиш учун ишлатилди, энг муваффақиятсиз ҚФ деб циклогексан: гексин: триэтиламин деб топилди, чунки барча доғлар бошланғич старт чизиғида қолди.

Натижада цефтриаксон ва цефураксим таҳлили учун энг оптимал ҚФ таркиби танлаб олинди: ацетон:пропил спирти:25% аммиак (6,5 : 16 : 6,5). Цефалоспорин доғларининг қиймати 0,5 - 0,65 оралиғида.

6-8 расмда хроматограммаларнинг схематик кўриниши келтирилган.

Фаза диэлектрик ўтказувчанлигининг аниқланган ўртача қиймати ҳисобланди, бунда ҳар бир эритувчи миқдори инобатга олинди.


$$X_{\text{ўрт}} = 20,7 * 0,22 + 19,7 * 0,55 + 78,3 * 0,22 = 32,6$$



Расм 6. Цефтриаксон ва цефураксим натрийли тузлари дори моддаларининг ацетон: пропил спирти: 25% аммиак (6,5 : 16 : 6,5) кўзгалувчан фазадаги ЮҚХси.

1. Цефтриаксон ($R_f = 0,59$); 2. Цефураксим ($R_f = 0,63$).

Цефазолин ва цефалотин дори препаратлари учун куйидаги таркибли кўзгалувчан фаза танлаб олинди: ацетон - этилацетат – музлатилган сирка кислотаси (11 : 9 : 9).



Расм 7. Цефазолин ва цефалотин натрийли тузлари дори моддаларининг ҚФ ацетон - этилацетат – музлатилган сирка кислотаси (11 : 9 : 9) даги ЮҚХси

1. Цефазолин ($R_f = 0,53$); 2. Цефалотин ($R_f = 0,78$).

Фаза диэлектрик ўтказувчанлигининг аниқланди ўртача қиймати ҳисобланди, бунда ҳар бир эритувчи миқдори инобатга олинди.

$$X_{cp} = 6,02 * 0,38 + 20,7 * 0,31 + 6,15 * 0,31 = 10,61$$

Цефотаксим учун ҚФ: этилацетат - ацетон – музлатилган сирка кислотаси - сув (15:6:6:3).



Расм 8. Цефотаксим натрийли тузи дори моддасининг ҚФ даги этилацетат - ацетон – музлатилган сирка кислотаси - сув (15:6:6:3) ЮҚХси.

1. Цефотаксим натрийли тузи ($R_f = 0,56$).


Фаза диэлектрик ўтказувчанлигининг аниқланган ўртача қиймати ҳисобланди, бунда ҳар бир эритувчи миқдори инобатга олинди.

$$X_{ўрт} - 6,02 * 0,5 + 20,7 * 0,2 + 6,15 * 0,2 + 78,3 * 0,1 = 16,21.$$

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҚФ таркибига 25% аммиак эритмаси кўшилганда доғларнинг ёйилиб кетиш эффекти йўқолади.


Олтинчи боб “Цефалоспорин қатор дори воситаларини ГСХ усули билан таҳлили” бағишланган бўлиб, бу ерда ГСХ усулини қўллаган ҳолда, цефалоспорин гуруҳ дори препаратларининг унифицирланган услуби ишлаб чиқилди. Бунда дори моддалар ва дори препаратлардан намуна тайёрлаш услуби оптималлаштирилди; қолдиқ органик эритувчилар: цефалоспоринлар таркибида ацетон, метанол, дихлорметан, этанол, триэтиламин, 2-этилгексановая кислота и N,N-диметиланилинларни аниқлашда хроматографиялаш шароитлар яхшиланди (сорбент, устун параметрларини танлаш, детекторнинг ҳарорат режими ва киритилиш блоки, намуна ҳажми ва б.); хроматографик системани яроқлилиги баҳоланди.

Ишлаб чиқилган услуб бўйича N,N – диметиланилиннинг таҳлили бажарилди. Қуйидаги тартиб бўйича хроматографиялаш амалга оширилди: бланк, стандарт ва текширилувчи намуналар.




Расм 9. Бланк эритмасининг хроматограммаси.

Хроматограммада кўриниб турибдики, циклогексан чўққиси (циклогексаннинг ушланиш вақти– 1,570 дақ.) билан биргаликда ички стандарт нафталин (ушланиш вақти – 7,096 дақ.) дан бошқа чўққилар йўқ.



Расм 10. Стандарт эритмасининг хроматограммаси.

Хроматограммада циклогексан чўққиси (ушланиш вақти – 1,565 дақ.), N,N – диметиланилин (ушланиш вақти – 5,123 дақ.) ва нафталин (ушланиш вақти – 7,096 дақ.)




Расм 11. Текширилувчи эритма хроматограммаси.

«Витаксон» препаратининг хроматограммасида N,N – диметиланилин аниқланмади.


Қолдиқ органик эритувчилар (дихлорметан, ацетон) миқдорини аниқлаш учун тажриба ГСХ усули ёрдамида олиб борилди. Бунинг учун, 1 мл буғли фаза препарат эритмаси ҳамда III стандарт эритмалари кетма-кет аланга-ионизацион детектори билан жиҳозланган HeadSpace газ хроматографида олиб борилди. Ҳар битта эритма учун камида 3 та хроматография олинди.

Ацетон ва дихлорметан миқдорий таҳлил усули ишлаб чиқилган услуб орқали олиб борилди. Хроматографиялаш кетма-кет стандарт ва текширилувчи намунаси бўйича амалга оширилди.



Расм 12.Стандарт эритмасининг хроматограммаси

Хроматограммадан кўриниб турибдики, 1 чўққи ацетон (ушланиш вақти 16,319 дақ.), 2 чўққи эса дихлорметанга (ушланиш вақти – 18,162 дақ.) мос келди.



Расм 13. Текширилувчи эритманинг хроматограммаси.


«Интралин» препарати хроматографияланганда, дихлорметан аниқланмади, ацетон эса (ушланиш вақти – 15,886 дақ.) 0,0102% ташкил қилди.

Еттинчи боб **“Цефалоспорин қатор дори воситаларини ЮССХ усули билан таҳлили” деб номланиб**, цефалоспоринларнинг ЮССХ ва ЮССХ-МС усулларида таҳлили келтирилган.

Замонавий фармакопеевий таҳлилида дори воситаларининг чинлигини, тозаллигини, ҳамда миқдорини аниқлашда хроматографик усуллардан кенг фойдаланилади. Қуйидаги усуллар цефалоспорин қатор дори моддалари ва препаратларини таҳлилида ҳам кенг қўлланилади. Цефалоспорин қатор дори воситаларининг таҳлили учун Фармакопееда келтирилган услубларда намуна тайёрлаш, хроматографиялаш шароитлари, хроматографик системанинг яроқлилиги учун турли мезонлар қўлланилиб олиб борилади.

Оптимал ушланиш параметрларни олиш учун ҚФ рН қимати яратилди, бунда ҳосил бўлган доғларни ёйилиб кетишини олдини олиш учун модда молекулалари асосан бир ионли шаклда бўлиши керак.


Стандарт устун фазасида рН қиймати 8,5 дан катта бўлган ҚФ дан фойдланиб бўлмаслигини инобатга олиб, ҚФ кучсиз кислотали рН қийматида олиб борилиши керак.



Расм 14. Цефатоксим натрийли тузи эритмасининг ҚФ ацетонитрил – буфер эритма 50:50 даги хроматограммаси.

рН қийматини стабиллаштирмасдан ҚФ сифатида ацетонитрил-буфер эритмаси қўлланилганда иккиланиш (цефтриаксон, цефазолин) ёки ҳатто кичик ушланиш вақтида ҳам чўққиларнинг ноаниқлаги – емирилиши, яъни ацетонитрил миқдори юқори бўлиши кузатилади (расм 14). Бу шароитда цефотаксим учун самарадорлиги 500 т. т., симметрия омили-5.2 га тенг бўлиб, бу мутлақо номақбулдир.

ҚФ ацетонитрил - фосфат буфер (рН 5,0) чўққилар параметрлари яхшиланади (расм 15, жадвал 1).



Расм 15. Цефтриаксон натрийли тузининг ҚФ ацетонитрил – фосфат буфер (рН 5,0) 50:50 даги хроматограммаси

Бундай шароитда самарадорлик 2000-4000 т. т. ни ташкил этди, симметрия омили-2.0 дан ошмади. Бирок, бу қийматлар 10 мкг / мл (устунга 0,2 мкг юкланди) синов эритмаси концентрацияси олинган. Маълумки, концентрация ошганда самарадорлик одатда тушиб кетади ва чўққиларнинг симметрияси ёмонлашади. Бундай шароитда эришилган самарадорлик нисбатан юқори. Бирок, чўққиларнинг симметрияси ҳали ҳам етарли эмас. Шунинг учун юқори концентрациялар текширилмади.

**Цефалоспоринлар чўкқилар параметрлари ҚФ ацетонитрил -
фосфат буфер (рН 5,0)**

Дори моддаси	t_R , мин	N, т.т.	A_S
Цефтриаксон натрий	5,2	3600	1,78
Цефазолин натрий	10,1	3900	1,89
Цефотаксим натрий	15,2	3200	1,62


Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди

- ацетонитрил –тетрадециламмоний бромид эритмаси (2,0 мг/мл) ва тетрагептиламмоний бромид (2,0 мг/мл) – 0,067 М фосфат буфер эритмаси – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 (50:44:5,5:0,5 цефтриаксон учун);


- ацетонитрил –тетрадециламмоний бромид эритмаси (2,0 мг/мл) – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 (30:60:10 цефтриаксон учун);

- ацетонитрил –тетрагептиламмоний бромид эритмаси (4,0 мг/мл) – 0,067 М фосфат буфер эритмаси – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 (50:44:5,5:0,5 цефтриаксон учун).


16-18 расмларда 300 мкг/мл концентрацияларда 3 хил ҚФларда цефтриаксон эритмаларининг хроматограммалари келтирилган



Расм 16. Цефтриаксон эритмасининг хроматограммаси (300 мкг/мл) ҚФ ацетонитрил – тетрадециламмоний бромид (2,0 мг/мл) ва тетрагептиламмоний бромид (2,0 мг/мл) – 0,067 М фосфат буфер эритмаси – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 = 50:44:5,5:0,5.



Расм 17. Цефтриаксон эритмасининг хроматограммаси (300 мкг/мл) ҚФ ацетонитрил – тетрадециламмоний бромид эритмаси (2,0 мг/мл) – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 = 30:60:10.




Расм 18. Цефтриаксон эритмасининг хроматограммаси (300 мкг/мл) ҚФ ацетонитрил – тетрагептиламмоний бромид эритмаси (4,0 мг/мл) – 0,067 М фосфат буфер эритмаси – цитрат буфер эритмаси рН 5,0 = 50:44:5,5:0,5.


Келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, шуни кўришимиз мумкинки, тетрадециламмоний бромид ва тетрагептиламмоний бромиддан фойдаланиш цефалоспорин чўққиларининг симметриклигини сезиларли даражада яхшилайти. Бундан ташқари, таҳлил қилинаётган намуна концентрациясини оширганда симметрия ёмонлашти, лекин оз миқдорда. Шуни айтиш мумкинки, ҚФ таркибида тетрадециламмоний бромид ва тетрагептиламмоний бромид бўлса, цефалоспоринларни ЮССХ усулида таҳлил қилиш учун етарлидир, чунки самарадорлик қийматлари 3500 т.т. дан кам эмас ва бу ҚФдан фойдаланганда симметрия омили 1.5 дан 1.8 оралиғида жойлашган.

Шундай қилиб, цефтриаксон ЮССХ усулида таҳлил қилишда ҚФ таркибида тетрадециламмоний бромид ва тетрагептиламмоний бромид бўлганда унумлироқ эканлиги исботланди. Бироқ, бу модификатордан қандай концентрацияда фойдаланиш кераклигини аниқлаш керак, чунки хроматографик параметрлар ҳам, таҳлил қиймати ҳам унга боғлиқ. 1 ва 3 мг/мл концентрацияларда тетрадециламмоний бромид ва тетрагептиламмоний бромид билан ҚФ учун маълумотларни солиштириш қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради: 3 мг / мл концентрацияларда тетрадециламмоний бромид ва тетрагептиламмоний бромид фойдаланиш чўққилар самарадорлиги ва симметриянинг муҳим ўсишига олиб келмайди. Шунинг учун бу бирикмаларни таҳлил қилишда тетрадециламмоний бромид билан ҚФ ва 2 мг/мл концентрацияларда тетрагептиламмоний бромиддан фойдаланиш керак.


Цефтриаксон натрийнинг миқдорини ва тозаллигини аниқлаш таҳлили ишлаб чиқилган услуб бўйича олиб борилди. Хроматографиялаш кетма – кетлиги қуйидагича олиб борилди: препарат эритмаси, таққословчи эритма (а) ва таққословчи эритма (б)



Расм 19. Стандарт намуна (а) эритма хроматограммаси. Цефтриаксон чўққисининг ушланиш вақти – 4,622 дақ.




Расм 20. Препарат эритмасининг хроматограммаси. Цефтриаксон чўққисининг ушланиш вақти – 4,619 дақ.




Расм 21. Таққословчи эритмасининг хроматограммаси (с). Цефтриаксон чўққисининг ушланиш вақти – 4,634 дақ.


Цефотаксим натрийнинг миқдорини ва тозалигини аниқлаш таҳлили ишлаб чиқилган услуб бўйича олиб борилди. Хроматографиялаш кетма – кетлиги қуйидагича олиб борилди: препарат эритмаси, таққословчи эритма (а) ва таққословчи эритма (б)



Расм 22. Таққословчи эритма хроматограммаси (а). Цефотаксим ушланиш вақти – 14,798 дақ.




Расм 23. Препарат эритмасининг хроматограммаси. Цефотаксим ушланиш вақти – 14,756 дақ.




Расм 24. Таққословчи эритма хроматограммаси (б). Цефотаксим ушланиш вақти – 15,002 дақ.

«Интралин» препаратидаги цефазолина натрийни ЮССХ усулида миқдорини аниқлаш

Цефазолин натрий препаратининг таҳлили ишлаб чиқилган услуб бўйича олиб борилди. Хроматографиялаш препарат эритмаси ва таққословчи.



Расм 25. Таққословчи эритма хроматограммаси. Цефазолин чўққисининг ушланиш вақти – 8,545 дақ.



Расм 26. Препарат эритмасининг хроматограммаси. Цефазолин чўққисининг ушланиш вақти – 8,548 дақ.

Саккизинчи боб **“Цефалоспоринларни миқдорини аниқлаш учун қўлланиладиган аналитик услубларни валидацияси”** деб номланиб, цефалоспоринларнинг миқдорини аниқлаш учун қўлланилган услубларнинг валидацияси келтирилган. Аналитик усул валидацияси –услубнинг келтирилган масалаларини ҳал қила олиши тажриба асосидаги исботламасидир.

Ушбу диссертация ишида фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларни сифатини назорат қилиш мақсадида аналитик усулларнинг параметрлари регламентланиб, валидацияланган услубларнинг яроқлилиқ мезонлари келтирилган.

Миқдорий аниқлаш усуллари, шу жумладан ёт аралашмаларни аниқлаш усуллари ва миқдор чегарасини аниқлаш усуллари валидацияланди. Чинликни аниқлаш усуллари спецификлигини тасдиқлаш мақсадида валидацияланади.

Аналитик услубнинг валидация жараёни қуйида келтирилган параметрлар бўйича олиб борилиб, улар тавсияларга кўра танлаб олинади:

- спецификлиги (specificity);
- аниқланиш чегараси (detection limit);
- миқдорий таҳлил чегараси (quantitation limit);

- аналитик соҳа (range);
- чизиқлиги (linearity);
- тўғрилиги (trueness);
- прецизионлиги (precision);
- барқарорлиги (robustness).

Цефалоспоринларни СФ усулида миқдорий таҳлилининг валидациялаш.

Диссертация ишининг натижасига кўра цефалоспорин дори воситаларининг СФ усулида миқдорини аниқлаш услублари ишлаб чиқилди ва валидацияланди. Валидация усулнинг аниқланиш тартибига кўра чизиқлиги, тўғрилиги ва УБ-спектрофотометрик усуллари бўйича препаратлар миқдорини аниқлашда тўғри келиши аниқланди ва тасдиқлаш тартибини баҳолаш учун ёндашувлар тавсия этилди

Тадқиқотлар олиб бориш шароитлари: хона харорати 25⁰С дан ошмаган ҳолда, намлик 65% дан ошмаган ҳолда.

Спектрлар 200 до 760 нм тўлқин узунлигида ўлчанди. Таққослаш эритма сифатида тегишли эритувчи ишлатилди.

Усулнинг спецификлиги эритувчидаги стандарт модданинг қиймати билан таъсир этувчи модда ва дори препаратларини таққослаб аниқланади.

Усулнинг чизиқлигини аниқлаш мақсадида камида текширилувчи эритма 5 та суюлтириш (концентрация)да таҳлил қилинаётган модданинг текширилувчи эритмадаги 80-120% оралиғида концентрацияси бўйича аниқланади. 2 эритмада– 80%, 2 эритмада – 100%, 2 эритмада – 110% ва 2 эритмада -120% таъсир этувчи модданинг концентрацияси.

Олинган натижалар бўйича оптик зичлиги цефалоспоринлар эритмадаги концентрациясига кўра боғлиқлиги курилади. Дастурда тренд чизиғи ва регрессия тенгламаси аниқланади.

Усулнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида таъсир этувчи моддани плацебо бўйича аниқланади. Плацебо концентрацияси кўрсатилиган таҳлил услубининг навескани 100% дан ташкил топган. Таъсир этувчи модда модель аралашмасига талаб қилинаётган концентрацияда кўшилинадди (пастки чегара – макс. 80, 100%; устки чегара – мин. 120%).

Ўлчовлар тайёрлаш ва олиб бориш учун таъсир этувчи моддани концентрацияси 80-120% интервалида тайёрланди, 3 та эритма таъсир этувчи моддаси билан, 3 эритма таъсир этувчи моддан 90% билан, 3 та эритма таъсир этувчи моддани концентрацияси 100%, ҳамда 110% ва 120% таъсир этувчи моддадан ташкил топган 3 тадан эритмалари.

Цефтриаксон натрий, цефазолин натрий и цефотаксим натрий препаратларини СФ усулида миқдорий таҳлили валидация натижалари жадвалда келтирилган.

**Цефалоспоринларни СФ усулида миқдорий таҳлилининг
валидациялаш кўрсаткичлари**

Валидация параметри	Мақбуллик мезони	Натижалар		
		Цефтриаксон натрий	Цефазолин натрий	Цефотаксим натрий
Спецификлиги	Намуналарни тайёрлашда қўлланиладиган эритувчилар ва реактивлар, ҳамда плацебо таркибий қисми натижани ўзгартирмайди.	Тўғри келади Жавоб беради	Тўғри келади	Тўғри келади
Чизиқлиги	Корреляция коэффициенти $\geq 0,99$	0,9994	0,9993	0,9997
Мослиги	Вариация коэффициенти $\leq 1,5\%$ ($n \geq 6$, серия 1)	0,4625	0,4626	0,2748
Оралик прецизионлиги	Вариация коэффициенти $\leq 1,5\%$ ($n \geq 6$, серия 2); $F(5\%, 5, 5) \leq 5,05$; $t(5\%, 10) \leq 2,228$	КВ = 0,6372%; $F(5\%, 5, 5) = 1,8844$; $T(5\%, 10) = 0,3960$	КВ = 0,3797%; $F(5\%, 5, 5) = 0,6698$; $T(5\%, 10) = 0,3085$	КВ = 0,3743%; $F(5\%, 5, 5) = 1,8433$; $T(5\%, 10) = 0,4071$
